

Ўзбек адабиётининг сермахсул ижод сохибларидан бири Шукрулло (Шукрулло Юсунов) 1921 йили Тошкентда дунёга келди. Бошлангич таълимни олгач, педагогика билим юрти (1935), Тошкент Давлат педагогика билимгоҳида (1944) ҳамда Тошкент Давлат дорулфунуни қошидаги аспирантурада тахсил кўрди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслахатчи, бадиий адабиёт нашриётида мухаррирлик қилди.

Шукруллонинг биринчи шеъри «Бахт қонуни» 1939 йилда, дастлабки шеърий тўпламлари — «Биринчи дафтар», «Қалб кўшиқлари» 1949 йилда нашр этилди. Ўзбек пахтакорларининг мардонавор қураши, янги ерлар очишдаги фидокорона меҳнатларидан ҳикоя қилувчи «Чоллар» (1948) асари билан у шеъриятимизда дostonчилик жанрини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Давримизнинг юксалиш йўлидаги муҳим погоналари, ўзбек дехқонларининг фидокорона меҳнати, халқлар дўстлигини қўлаш, замонамиз қишилари онгида Ватан тушунчасининг муқаддаслигини ифодалаш учун «Россия», «Икки қоя», «26 тонготари», «Дostonлар» (1970) каби асарларига мавзу бўлган.

Адиб ижодида инсоннинг маънавий қамолотини қўлаш биринчи ўринда туради. У асарларида дастлаб ҳаётимиздан четда қолганларни қаттиқ қоралайди, қишиларни инсон деган шарафли номга муносиб бўлишга қақиради, инсонни улугловчи фазилатларнинг энг буюғи меҳнат деб билади. Унинг бу фикрлари «Ҳаёт илҳомлари», «Умрим борича», «Инсон ва яхшилик» (1961), «Инсон — инсон учун» (1964) шеърий тўпламларида ўз ифодасини топган.

Шукрулло болалар учун ҳам ижод қилди. Унинг «Баҳор совғаси» (1962), «Юлдузлар» (1964) каби қитобларида дўстлик, Ватанга муҳаббат, она юрт табиатини улуглаш гоёлари тараннум қилинади.

Шоирнинг «Россия», «Икки қоя», «Икки ёшлиқ» сингари шеърий тўпламларини қардош ва хорижий халқлар ўз она тилларида севиб ўқийдилар. Адиб драматик асарлар ҳам яратди. Унинг «Ҳатарли йўл», «Табассум ўғрилари» (1977), «Ўғрини қароқчи урди» (1984) драмалари республиқамиз театрлари сахнасида намойиш қилинган.

Шукрулло «Зарралар» (1973), «Суянчик» (1977), «Яшагим қелади» (1978), «Сенинг бахтинг» (1986), шеърий мажмуаларини ҳамда «Қафансиз қўмилганлар» романини ўқувчилар ҳуқмига ҳавола этди. У ўзининг «Зарралар» тўпламида ўзбек шеъриятидаги рубоий жанрини янги мазмунда давом эттиради. Уларда ҳаёт сабоқларидан чиқариладиган қатта мазмундаги ҳулосаларини ихчам, лўнда ифодалаб берди.

У ўзининг «Тошкент, 26 тонготари» дostonи учун Республика Давлат муқофотига сазовор бўлган.

Шукрулло ҳам қатагонлик даврининг иккинчи тўлкини жабрини чеккан, Сибирга бадарга этилган ўзбек ижодкорларидан бири, шўро ҳуқумати лагерларида огир азоб-уқубатларни ўз бошидан кечирган жабрдийдалардан бири ҳамдир. Унинг

«Кафансиз қўмилганлар» романи ана шу воқеаларнинг бадиий ифодасидир. Шукрулло ҳам ижодкор, ҳам жамоат арбоби, айти пайтда Ўзбекистон Президентлик Кенгаши аъзоси вазифасида фаоллик қўрсатмоқда. У Ўзбекистон халқ шоиридир.